

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛҲАКОВА НАРГИЗА ШУХРАТОВНА

ИЛДИЗ КАНАЛЛАРНИНГ ЭНДОДОНТИК САНАЦИЯСИ УЧУН
АНТИСЕПТИК ИШЛОВНИ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Абдулхакова Наргиза Шухратовна

Илдиз каналларнинг эндодонтик санацияси учун антисептик ишловни
клиник-патогенетик асослаш..... 3

Абдулхакова Наргиза Шухратовна

Клинико-патогенетическое обоснование антисептической обработки
при эндодонтических санациях корневых каналов зубов..... 23

Abdulkhakova Nargiza Shukhratovna

Clinical and pathogenetic substantiation of antiseptic treatment during
endodontic sanitation of the root canals of teeth 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛҲАКОВА НАРГИЗА ШУХРАТОВНА

**ИЛДИЗ КАНАЛЛАРНИНГ ЭНДОДОНТИК САНАЦИЯСИ УЧУН
АНТИСЕПТИК ИШЛОВНИ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестатсия комиссиясида В2020.2.PhD/Тиб1222-сон билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида яқунланган. диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг интернет саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида жойлаштирилган. (www.ziyounet.uz)

Илмий раҳбар:

Бекжанова Ольга Есеновна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Орехова Людмила Юрьевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Гулямов Суръат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

И.М.Сеченов номли Биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси 2022-йил «_____» _____ соат _____ да DSc.04 / 30.12.2019. Тиб.59.01 Тошкент давлат стоматология институтида (Манзил: 100047, Тошкент ш. , Яшнобод тумани, Махтумқули ко‘часи , 103 - уй . Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru) булиб утади.

Диссертация (PhD) билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида (№ _____ билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри , Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси , 103 - уй . Тел.: (+99871) 230-20-65; e-mail; info@tsdi.

Диссертация автореферати 2022-йил “_____” _____ юборилган.
(тарқатиш баённомасининг 2022 йил “_____” _____-сонли реестри).

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Апикал периодонтит (АП) – периапикал соҳа тўқималарининг яллиғланишли шикастланиши бўлиб, пульпа ва илдиз каналлар инфекциясига жавобан микробли инвазия билан бошланувчи микробли этиологияга эга касаллик. Периодонтдаги сурункали касалликлар “...умумий ҳажмида апикал периодонтитнинг учраш частотаси 58,2% дан 87,9% гача...”¹ ўзгариб туради. Стоматологик патологияларнинг умумий таркибида апикал периодонтит ва унинг оғир шакллари кариес ва пульпитдан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Апикал периодонтитда нафақат тўқималарнинг маҳаллий яллиғланишли емирилиши, балки ушбу яллиғланиш ҳамда бактериялар метаболизми маҳсулоти билан бошланган тизимли иммунологик ва субтоксик таъсирлар ҳам қайд этилади, бу эса ўз навбатида юрак-қон томир, метаболик ва эндокрин бузилишлар каби касалликларни чақиритиши ҳамда уларнинг клиник кечилиши оғирлаштириши мумкин бўлган организмнинг турли иммунологик ва яллиғланишли реакцияларини юзага келтиради. Апикал периодонтит тарқалишини камайитириш тенденциясининг йўқлиги уни даволаш самарадорлигини ошириш муаммосини ўрганишнинг долзарб аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Дунёда олиб борилган илмий изланишларга асосан, илдиз каналларни янги ирригация тизимларини қўллаш, кундалик эндодонтик амалиёт вақтида юқори клиник самарага олиб келади. Янги технология ва замонавий антисептикларни қўллашда кўплаб зудлик билан ҳал қилишни талаб этадиган масалаларни, уларни муваффақиятли амалга оширилиши эса беморнинг тўлиқ функционал реабилитациясини оширилишига боғлиқ масалалар келиб чиқади. Жумладан, юз–жағ тизимини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, юқори самарага эга, оғиз бўшлиғи тўқималарига зарарли таъсир этмайдиган, кам токсикликка эга, турли клиник ҳолатларда ишлашга имконият берувчи, инфицирланган юзаларда ишлаб юқори натижа берувчи янги антисептик воситаларни яратиш. Бу борада замонавий усулларни такомиллаштиришнинг илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Апикал периодонтитларни турли клиник шакллари билан касалланган беморларни даволаш механизмларини асослаш, тиш илдиз каналлари ирригациясининг янги тизимларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш борасида кенг қамровли ишлар амалга

¹ Березин К.А., Греков А.Х., Зарипова Э.М., Старцева Е.Ю. Статистические аспекты изучения распространенности хронического апикального периодонтита у взрослого населения // Современные проблемы науки и образования. – 2015. - № 2-1

оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида турли стоматологик касалликлар тарқалишининг олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «2019–2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси даражасини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари, 2020 йил 24 июлдаги ЎРҚ–630-сон «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Апикал периодонтит патогенезини аниқлаш имконини берувчи кўплаб омиллар бўлишига қарамасдан периапикал шикастланишнинг бошланиши ва унинг ривожланишида илдиз канални эгаллаб олган бактериялар муҳим аҳамият касб этади (Соловьева Ж.В. 2014; Когина Э.Н., Герасимова Л.П., Кабирова М.Ф., Усманова И.Н. 2015; Когина Э.Н. 2018). АП давосига замонавий ёндашувлар пульпа ва илдиз каналлар тизимининг инфекцион таркибини санация қилиш принципларига асосланади. Стандарт эндодонтик ирригация турли концентрацияли натрий гипохлорид эритмаси билан илдиз каналлар тизими санациясини ўз ичига олади. Антибактериал хусусияти ва органик тўқималарни эритиш қобилияти натрий гипохлоритни эндотоник терапиянинг «олтин стандарт»ига айлантиради. Бироқ натрий гипохлоритдан фойдаланиш периапикал тўқималар томонидан жиддий реакциялар юзага келишига сабабчи бўлади (Лукиних Л.М., Кокунова А.С., Тиунова Н.В., 2013).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ультратовушли ирригация таъсири, шунингдек, ушбу тадқиқот ишида муаллифлар томонидан таъкидланганидек, эндотоксин даражасини пасайтиришга нисбатан ҳам самарали. Бунда ультратовушдан фойдаланиш инструментал ишлов бериш ҳамда оддий ювишда ҳам киришнинг иложи бўлмаган жойларни ҳам санация қилиш имконини беради (Horlenko I.M., Gadzhula N.G., Cherepakha O.L., Kurdysh L.F., Pylypiuk O.Y., 2020).

Республикада сурункали апикал периодонтит билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Л.Э.Хасанова томонидан Илдиз каналлар тизими таркибини тўлиқ олиб ташланиши ҳисобига уларнинг стерилизацияси ҳамда илдиз каналлар obturацияси учун оптимал шароитлар яратиш зарурияти асослаб берилган (Хасанова Л.Э. 2018). Тиш пульпаси ва илдиз атрофи соҳаларининг зарарланишига латерал каналчалар орқали яллиғланишни узатиш билан бевосита таъсир кўрсатади. Улар томонидан таклиф этилган МИЛАКТ «СОГДИАНА» аппарат усули даволаш жуда мураккаб бўлган бириккан эндодонт ва пародонт шикастланишларни даволашда самарадорликни таъминлайди (Камилов Х.П., Зойиров Т.Э. 2018). Магнит-инфрақизил-лазерли даволашни қўллашда Фурасол антисептикни фотосенсибилизатор сифатида қўллашни схемаси ишлаб чиқилган ва илдиз канали микрофлораси ва оғиз бўшлиғига яқинлашган инфрақизил диапазонни ярим ўтказувчи лазернинг импульсли таъсири ўрганилган (Юсупалиходжаева С.Х., Шомуродова Г.Х. 2022).

Шу муносабат билан микроорганизмларнинг цитоплазматик мембраналари липидларининг фосфатид гуруҳлари билан ўзаро таъсирлашганда уларнинг ўтказувчанлигини бузиш ва одам хужайраларига таъсир қилмаслик қобилияти туфайли кенг кўламли бактерицид ҳамда фунгицид таъсирга эга бўлган декаметоксин (1,10 – декаметилен – (N, N – диметилментоксикарбонилметил аммоний дихлорид) – Декасан асосида антисептикларни ўрганиш истиқболли ҳисобланади. Ушбу воситадан стоматология, пульмонология (Царев А.В. 2012; Кудинова Н.А., Данилова Л.Н., Троицкая Г.Н. 2015) ва хирургияда йирингли асоратларнинг олдини олиш ва даволашда кенг фойдаланилади (Ешиев А.М., Абдишев Т.К., 2017; Бойко В.В., Замятин П.Н., Савви С.А; Замятин Д.П., Воскресенська Н.М., 2020).

Шундай қилиб, бугунги кунга қадар илдиз каналлар ирригациясида Декасанни қўллашнинг клиник ва антимиқроб самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган илмий изланишлар амалга оширилмаган. Шу нуқтаи назардан ушбу диссертация тадқиқоти долзарб аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011900242–рақамли «Тиш қаттиқ тўқимаси, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини ташхислаш, даволаш, олдини олишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади комплекс даволашга Декасан препаратини қўшиш билан апикал периодонтит терапияси самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

in vitro тажрибада *Enterococcus Faecalis* биопленкаси моделида одам тиш илдиз каналлари санацияси учун Декасан препаратини қўллаш усулини ишлаб чиқиш;

in vivo тадқиқотларда факультатив анаэроб бактериялар ассоциациясига қарши тиш илдиз каналларини Декасан билан санациялаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

апикал периодонтитнинг комплекс терапиясига Декасанни қўшиш билан периапикал тўқималар регенерацияси самарадорлигини асослаш;

апикал периодонтит терапиясига Декасан ва ультратовушли ишлов беришни қўшишнинг рентгенологик ва клиник самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология поликлиникасида сурункали апикал периодонтит ташхиси билан амбулатор даволанган 180 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети сифатида ультратовуш ва Декасан антисептигини қўллаб ишлов берилган 390та тишлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник-лаборатор, микробиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *in vitro* тажрибада антисептик восита ва ультратовуш комплексининг одам илдиз канали оралиғида, юза ва чуқур дентинда *Enterococcus Faecalis* биопленкаси титрини сезиларли пасайтириши ва илдиз каналлари тизимининг агрессив муҳитида патоген микроорганизмларни нейтралланиши аниқланган;

илдиз каналлари тизимининг *in vivo* клиник тадқиқотларида тишларнинг илдиз канали оралиғи ва дентин каналчаларида факультатив-анаэроб бактериялар ассоциацияси кўрсаткичини антисептик ва ультратовушнинг даволаш комплекси самарадорлиги исботланган;

илк бор нейтрофиллар фагоцитози ва унинг капилляр қондаги яқунланиш кўрсаткичлари бўйича экстраадикуляр биопленкани нейтралланиши ва ультратовуш композициясининг таъсири сабабли апикал периодонтитда периапикал соҳа регенерацияси динамикасининг ортиши асосланган;

илк бор апикал периодонтит давосида антисептик ва ультратовуш комплексини қўллаш альвеоляр суяк остеогенезини стимулланиши сабабли суяк тўқимаси резорбция ўчоғининг тикланишини юқори самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экспериментал текширишлар асосида Декасан антисептиги ва унинг фаоллаштирилган ультратовуши ёрдамида илдиз каналлари, юза ва чуқур дентинни санация қилишнинг оптимал усули исботланган;

антисептик ва ультратовуш комплексидан фойдаланган ҳолда клиник-рентгенологик самарадорликни сезиларли ошириш, периапикал соҳа яллиғланиш ўчоғини бартараф этиш муддатларини асосланган;

илдиз каналлар оралиғи ва дентинда факультатив-анаэроб бактериялар концентрациясини камайтириш имконини берувчи апикал периодонтит терапиясининг янги усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларни олинган натижалар билан мослиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Декасан антисептиги ва ультратовуш комплекси одам илдиз каналлари *Enterococcus Faecalis* биопленкаси бактерияларини самарали бартараф этиши, илдиз каналлар ва дентинда факультатив-анаэроб бактериялар титрини сезиларли камайтириши, шикастланишнинг периапикал ўчоғи нейтрофил лейкоцитлари регенераторлик фаоллигини рағбатлантириши, шунингдек, деструкция ўчоғи суяк тўқималари зичлигини самарали ошириши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти даволашнинг яқин ва узок муддатларида микробиологик, морфологик ва клиник-рентгенологик тадқиқотлардан олинган натижалар асосида апикал периодонтит терапиясида Декасан антисептиги ва ультратовуш комплексини қўллаш самарадорлиги асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тишларнинг илдиз каналлари эндодонтик санацияларида антисептик ишлов беришнинг клиник-патогенетик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

периапикал тўқималарни зарарланиш динамикаси кўрсаткичларининг ишончли клиник самарадорлигини асослаш бўйича ишлаб чиқилган «Илдиз каналлар санацияси самарадорлигини баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 февралдаги 8н-р/164-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ультратовушдан фойдаланган ҳолда Декасан антисептиги билан даволаш тактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини берган;

анъанавий ишлатиладиган илдиз каналларини ирригантларини солиштирма *in vivo* таҳлилида антисептик ва ультратовуш комплексининг самарадорлиги бўйича «Илдиз канал тизими оралиғида биопленкага антибактериал таъсир кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 февралдаги 8н-р/163-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома

ультратовуш билан Декасандан фойдаланганда беморлар ҳолатини яхшилаш имконини берган;

«Тишлар илдиз каналларининг эгрилик кўрсаткичи» тиш илдиз каналлари қийшиқлигини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган (Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлигининг 2021 йил 12 июлдаги № DGU12265 рақамли патенти). Мазкур дастур илдиз каналлардаги эгриликларни баҳолаш, ахборот алмашишни соддалаштириш, эндодонтик даволашнинг ноҳуш натижалари ҳавфини асослаш ва шу орқали салбий оқибатларнинг олдини олиш имконини берган;

Декасан антисептиги ва ультратовуш комплексини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар «Самарқанд шаҳар стоматологик поликлиникаси» давлат унитар ташкилоти, Тошкент шаҳар «4-стоматологик поликлиника» ОАЖ амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 11 майдаги 8н-д/225-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши Декасанни ва ультратовушли комплексини илдиз каналидаги юза ва чуқур дентиндаги *Enterococcus faecalis* биоплёнкасига юқори антимикроб самарасини, суяк тўқимасининг резорбция ўчоғини 3,50 мартага тикланилишини ва “ижобий даво” самарадорлигини 20,34% ортганлигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсифнома берилган, тадқиқотнинг ЎЗР фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги аниқланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари ажратилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилинганлиги, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи “**Апикал периодонтитни патогенетик ривожланиш жиҳатлари ва илдиз каналлари тизимини медикаментоз**

давоси” деб номланган бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида апикал пародонтитнинг этиологияси ва патогенези ҳақидаги замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари, апикал периодонтит этиологиясида илдиз каналлар инфекцияларининг роли таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. Апикал периодонтитни даволашнинг замонавий методлари изоҳланиб, мазкур тиш касаллигига доир бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган, шунингдек, *E. Faecalis* апикал периодонтитнинг индикатор микроорганизми сифатида кўриб чиқилган ва шарҳланган.

Диссертациянинг иккинчи **«Тажриба ва клиникада текширилганларнинг умумий хусусиятлари»** деб номланган бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, апикал периодонтит билан оғриган беморларни даволаш самарадорлиги даражалари, шунингдек, тадқиқотнинг микробиологик, морфологик ва клиник-рентгенологик методлари кўрсатилган. Тадқиқот икки йўналишда олиб борилди:

1. *in vitro* тадқиқотларда одам илдиз каналлари оралиғида *Enterococcus Faecalis*га қарши Декасан антисептигининг антибактериал самарадорлигини гипохлорид натрий каби маҳаллий эндодонтик ирригантлар билан қиёсий баҳолаш.

2. Апикал периодонтит билан оғриган беморларда илдиз каналлар санацияси учун Декасан антисептигидан фойдаланишнинг оптимал усулини аниқлаш.

Апикал периодонтит билан оғриган беморларда илдиз каналлар санацияси учун Декасан антисептигидан фойдаланишнинг клиник самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Лаборатор коллекциядан олинган граммусбат факультатив анаэроб коккларнинг эталон штаммидан фойдаланилди. Намуналар инкубациясидан кейин улар тасодифий шаклда ҳар бирида 15 тадан тиш бўлган 5 та тажриба гуруҳига ажратилди. Илдиз каналлар илдиз ишчи узунлигидан 2 мм кичик бўлган диаметри 30 калибрли игна ёрдамида 3 минут давомида 5,0 мл дезинфектант эритмада ювилди, чуқур ва юза дентин намуналари олинди.

1-гуруҳ – илдиз каналлари гипохлорид натрий эритмаси билан ювилди (Белодез, Россия);

2-гуруҳ – илдиз каналлари хлоргексидин биглюконат эритмаси билан ювилди (Техно-Дент, Россия);

3-гуруҳ – илдиз каналлари декаметоксин (Декасан) эритмаси билан ювилди (Юрия фарм, Россия);

4-гуруҳ – илдиз каналлари декаметоксин (Декасан) эритмаси (Юрия фарм, Россия) билан ювилди ва ультратовуш билан ишлов берилди;

5-гуруҳ – физиологик эритма (ижобий назорат): бактериялар билан тўлган илдиз каналлари стерил физиологик эритма билан ювилди.

Дентин намуналарини олиш: илдиз каналига ёпиштирилувчиси – сиртки, цемент чегарасида жойлашгани эса чуқур дентин ҳисобланади. Сиртки дентин намуналари 25 рақамли Н файл ёрдамида, чуқур дентин намуналари эса 40 рақамли Н файл ёрдамида олинади.

Бир мг/дентин учун колония ҳосил қилувчи бирликлар ҳисобланган (КОЕ/мг). *E. Faecalis* моноинфекцияси Грамм бўйича бўяш ва каталазага тест орқали тасдиқланган.

2018 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда периодонт касаллиги бўйича 180 нафар бемор текширувдан ўтказилди ҳамда даволанди, уларда апикал периодонтит касаллиги бўлган 390 та тиш аниқланди, жумладан:

1. 60 нафар бемордаги 140 та тишда сурункали фиброз периодонтит (*Periodontitis chronica fibrosa*).

2. 58 нафар бемордаги 130 та тишда сурункали грануламатоз периодонтит (*Periodontitis chronica granulomatosa*).


3. 62 нафар бемордаги апикал периодонтит бўлган 120 та тишда сурункали грануляцияланувчи периодонтит (*Periodontitis chronica granulans*).

Барча гуруҳларда рентгенологик текширишлар ўтказилди ва апекслокатор ёрдамида илдиз канал ишчи қирғоқлари ўрнатилди. Илдиз каналлари эндодонтик манипуляцияни амалга ошириш имконини бериши учун адекват усулда кенгайтирилди.

Шундан кейин барча беморлар иккита репрезентатив гуруҳларга ажратилди: 1-гуруҳ – таққослаш ҳамда 2-гуруҳ – асосий.


1-таққослаш гуруҳида натрий гипохлорид эритмаси билан эндодонтик илдиз каналларини ювишнинг стандарт муолажаси амалга оширилди.

2-асосий гуруҳда периапикал тўқималарнинг бошланғич ҳолатига боғлиқ ҳолда илдиз каналларини ювиш учун Дексан ва ультратовуш комплексидан фойдаланилди (Расм 1 ва 2).



Расм 1. Ювишга қадар илдиз каналлари дентинида бактериал контаминация даражаси (ўртача балл).

Ҳар иккала даволаш усули ва даволаш самарадорлигини объектив баҳолаш учун тадқиқотни амалга ошириш давомида апикал периодонтитнинг тизимли ва локал клиник белгиларини баҳолашнинг балли тизими ишлаб чиқилди.



Расм 2. Ювишга қадар илдиз каналлари дентинида бактериал контаминация даражаси (ўртача балл).

Европа эндодонтология жамияти (ESE – European Society of Endodontology, 1994) кўрсатмасига мувофиқ апикал периодонтитни даволаш сифатини баҳолаш учун натижадорлик тоифаларидан фойдаланилди: «Тўлиқ тузалиш». «Тўлиқ бўлмаган тузалиш». «Муваффақиятсизлик». «Тузалмаслик ёки муваффақиятсизлик». ҳолатнинг ёмонлашиши

Изланишда қуйидги рентгенологик текшириш усулларида фойдаланилди: даволашга қадар ва эндодонтик даволашдан кейинги перерадикуляр тўқималар регенерациясининг қиёсий таҳлили модификацияланган 6 балли тизимдаги Orstavik D бўйича РАІ периапикал индексдан (1986) фойдаланиб амалга оширилди. Периапикал соҳа деструктив шикастланиш майдонининг камайиш динамикаси Н.А.Прилукова бўйича ПУОД кўрсаткичларига кўра баҳоланди (2013). Н.А.Прилукова бўйича ПУОД кўрсаткичларига мувофиқ периапикал деструкция ўчоғининг тикланиш самарадорлиги баҳоланди (2013).

Периапикал тўқималар регенерациясини баҳолаш фагоцитар фаоллик даражаси бўйича локал микробга қарши ҳимояни ўрганиш асосида амалга оширилди ва фагоцитознинг қуйидаги кўрсаткичлари баҳоланди:

1 . Фагоцитар индекс (ФИ) – фагоцитозда иштирок этувчи нейтрофиллар сони (%). Меъёр – 60,0–80,0%; 2. Фагоцитар микдор (ФМ) – битта фагоцит томонидан шимиб олинган ўртача микдор. Меъёр – 2,0–4,0. 3. Фаол фагоцитлар сони (ФФ) – ҳеч бўлмаганда битта хамиртуруш хужайрасини фаол

ҳазм қилувчи фагоцитлар сони (%). Меъёр – 80,0–100,0%. 4. Ҳазм индекси (ХИ) – фаол ҳазм қилинадиган хамиртуруш ҳужайраларининг барча шимиб олинган 100 нейтрофилларга нисбатан фоизли нисбати. Меъёр – 70,0–90,0%. Нейтрофилларнинг бактериал фагоцитоз тугалланиш даражасини аниқлаш билан реакцияси (И.В.Нестерова, 1988).

Олинган илмий натижалар статистик дастурлар ёрдамида қайта ишланди. Ижобий ва салбий натижаларнинг тарқалиши Пирсоннинг χ^2 тести ёрдамида таҳлил қилинди. Олинган маълумотлар \log_{10} КОЕга айлантирилиши орқали меъёрлаштирилади ва бир омилли дисперс таҳлили орқали таҳлил қилинди. Статистик аҳамиятга эгалик даражаси $P < 0,05$ даражасида аниқланди.

Диссертациянинг учинчи “Апикал периодонтитни даволашни клиник самарадорлигини баҳолаш” деб номланган боби илдиз каналлари санациясида Декасанни қўллашнинг оптимал схемасини ўрнатиш учун *in vitro* тадқиқотларида тишларнинг илдиз каналларини ювишда Декасаннинг антимикроб самарадорлигини қиёсий баҳолаш бўйича тажрибалар амалга оширилди. Шу мақсадда парадонт ёки кенг қамровли кариоз шикастланишлар туфайли олиб ташланган 75 та бир илдизли одам доимий тишларидан фойдаланилди. Тадқиқот ахлоқ бўйича комитет томонидан маъқулланган. Тиш тоши ва юмшоқ тўқималар пародонтини олиб ташлаш учун тишларнинг ташқи илдиз юзаси кюреткалар билан тозаланди. Тиш қопламалари дискли бор билан шундай кесилдики, стандарт ишчи узунлик 12 ммга етди ва у 15 рақамли К-файлни унинг учи апикал тирқишда кўрингунга қадар киритиш йўли билан аниқланди. Механик ва кимёвий ишлов берилганидан кейин апикал тирқиш реставрацион материал билан ёпилди, илдизнинг ташқи юзалари эса икки қават қилиб тирноқларни бўяш учун фойдаланиладиган лак билан қопланди. Тишлар бактериялар чиқиб кетишининг олдини олиш учун эпоксид мум билан тўлдирилди. Барча намуналар автоклавлаш йўли билан стерилизацияланди (120°C да 30 минут давомида). Илдиз каналлар стерил туберкулин 2,0 мл лик шприцлардан фойдаланиб *E. faecalis* суспензиясида (1×10^8 КОЕ/мл) тўйинтирилди. Кейин намуналар 21 кун давомида аэроб шароитда 37°C да инкубацияланди. Экиш материали биринчи суспензия каби тайёрланган ва худди унингдек лойқаликка келтирилган 24 соатлик тоза культурадан фойдаланган ҳолда ҳар 3 кунда янгилаб турилди.

Дезинфекциядан кейин илдиз каналлар 1 минут давомида стерил физиологик эритма (2 мл) ювилди ва намуналар илдиз каналлари тешигида бактериологик текширишлар ўтказиш учун олиб қўйилди. Юза дентин намуналари 25 рақамли Н-файлда, чуқур дентин намуналари 40 рақали Н-файлда олинди.

Натрий гипохлорид (NaOCl) ахлат ва некротик тўқималарни эритишда кенг қўлланилувчи ювиш воситаси ҳисобланади. Унинг дентинга кириб бориш чуқурлиги 60–150 мкм ни ташкил этади, *E. Faecalis*нинг дентин каналларига кириб бориш чуқурлиги эса 1200 мкм гача етади. Дентин намуналари билан ўтказилган тажрибада илдиз каналлари 3 ҳафта давомида *E. faecalis* билан тўйинтирилди, шу тариқа 3 ҳафта давомида илдиз каналларда *E. Faecalis* биопленкаси ва 800–1000 мкм чуқурликкача тўйинган илдиз каналчалари

ҳосил бўлди. Илдиз каналларини санация қилишнинг анъанавий усулларида етишмаётган самарадорлик *E. Faecalis*нинг микробли инвазияси ҳисобига дентин каналчаларидан периодонт тўқималарига кириб бориши сабабли даволаш асоратлар билан тўлалигида. Илдиз каналлар антимикроб санацияси сифатини яхшилаш учун дезинфекцияловчи ирригантлар самарадорлигини оширишнинг турли усуллари таклиф этилмоқда. Энг кўп фойдаланиладиган ва самарали усуллардан бири бу ультратовушли текшириш (УТТ) усули ҳисобланади. Ультратовуш билан ишлов берилган антисептик эритмаларнинг кўлланилиши – илдиз каналлар тизимини антимикроб ювиш, шунингдек, дентиннинг макро- ва мироканаллари санацияси ҳамда уларда жойлашган патоген бактерияларни цементлашда энг самарали усул.

Микробиологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, *E. Faecalis*нинг 3 ҳафталик инокуляциясидан кейин инфекцияланган илдиз каналларида бактериялар цемент билан чегарада юза ва чуқур дентинда учрайди ва бу 0,5 дан 2,0 мм гача чуқурликдаги пульпасиз тишлар дентин намуналарининг 67,0% ида 5×10^4 КОЕ/мг дентинда 102 КОЕ/мг зичликка эга бактериал ифлосланиш аниқланган бошқа муаллифлар тадқиқотларидан олинган натижалар билан мос келади. Ушбу тадқиқотда юза дентиннинг бактериал ифлосланиши логарифмик масштабда чуқур дентин кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлди, бу эса янги ирригантларни таъсирини баҳолашни кўрсатди. Барча текширилган ювиш усулларидан кейин юза ва чуқур дентин, илдиз каналлар ёриғидаги колонизациясининг ишончли камайганлиги кўрсатилган.

Ювиш режими дентиннинг микробиологик ифлосланишига таъсир кўрсатиши исботланган: физиологик эритма билан таққосланганда натрий гипохлорид, хлоргексидин биглюконат ва Декасан билан ювиш КОЕнинг кўпроқ пасайишига ёрдам берди ($p < 0,001$) (Жадвал 1).

Шундай қилиб, натрий гипохлорид таъсирида юза дентинда ифлосланиш даражаси 87,22%; биглюконат хлоргексидин билан – 81,09% ва Декасан билан – 76,08% га камайди; чуқур дентинда мос ҳолдаги динамика 80,69%; 78,95% ва 75,90% ни ташкил этди.

Тадқиқотдан олинган натижаларга кўра барча тажриба гуруҳларида *Enterococcus faecalis* нинг камайиши кузатилди (физиологик эритма билан мусбат назоратдан ташқари), бироқ биронта ҳам дезинфектант микроорганизмга тестни тўлиқ бартараф эта олмади.

Илдиз каналларини ювишнинг комбинацияланган режими (Декасан + ультратовуш) туфайли юза ва чуқур дентин микроорганизмлардан деярли тўлиқ тозаланди. Шундай қилиб, илдиз каналларини ювишнинг комбинацияланган режимида юза дентин – 96,54%; чуқур дентин – 94,69% га камайди ва бу натрий гипохлорид ҳамда хлоргексидин биглюконатнинг аналогик даражаларидан ишончли юқори.

Ультратовушли терапиянинг Декасан билан бирикиши *in vitro* тадқиқотларда *Enterococcus faecalis* микробли биоплёнкаси концентрациясининг камайишига олиб келди ҳамда илдиз каналлар тирқишида микробли биоплёнка концентрациясининг камайиши стандарт

санацияда 98,02% қарши 88,70% ни ташкил этди ($p < 0,05$); юза ва чукур дентинда ушбу кўрсаткич мос ҳолда 96,54% қарши 87,22% ва 94,69% қарши 80,69% бўлди (Жадвал 2).

Жадвал 1.

Сиртки дентиндан *Enterococcus faecalis* биопленкаси элиминициясида тишларни санация қилишнинг турли усуллари самарадорлиги қиёсий натижалари (КОЕ/мл), ($M \pm m$)

Ишлов бериш усули	Дастлабки тўйинганлик КОЕ/мл	Ишлов берилгандан кейинги тўйинганлик КОЕ/мл	Самарадорлик %	Ишончлилик $P <$
Гипохлорид натрий 3%	$3,21 \cdot 10^3 \pm 0,16 \cdot 10^3$	$4,11 \cdot 10^2 \pm 0,2 \cdot 10^2$	87,22	$\leq 0,001$
Хлоргексидин биглюконат 2%	$2,75 \cdot 10^3 \pm 0,12 \cdot 10^3$	$5,21 \cdot 10^2 \pm 0,24 \cdot 10^2$	81,09	$\leq 0,001$
Декасан	$3,01 \cdot 10^3 \pm 0,14 \cdot 10^3$	$7,21 \cdot 10^2 \pm 0,3 \cdot 10^2$	76,08	$\leq 0,001$
Декасан+ультратовуш	$2,89 \cdot 10^3 \pm 0,13 \cdot 10^3$	$1,01 \cdot 10^2 \pm 0,15 \cdot 10^2$	96,54	$\leq 0,001$
Физиологик эритма	$3,11 \cdot 10^3 \pm 0,15 \cdot 10^3$	$3,09 \cdot 10^2 \pm 0,14 \cdot 10^2$	0,64	$\leq 0,05$

Бу биопленка микроорганизмларига қарши ультратовуш билан фаоллаштирилган Декасаннинг юқори антимикроб фаолликка эгаллигини, шунингдек, унинг ультратовуш ёрдамида антимикроб ҳамда латерал каналларга кира олиш фаоллигининг ортишини исботлайди.

Жадвал 2

Чукур дентиндан *Enterococcus faecalis* биопленкаси элиминициясида тишларни санация қилишнинг турли усуллари самарадорлиги қиёсий натижалари (КОЕ/мл), ($M \pm m$)

Ишлов бериш усули	Дастлабки тўйинганлик КОЕ/мл	Ишлов берилгандан кейинги тўйинганлик КОЕ/мл	Самарадорлик %	Ишончлилик $P <$
Гипохлорид натрий 3%	$611,01 \pm 28,31$	$118,0 \pm 5,02$	80,69	$\leq 0,001$
Хлоргексидин биглюконат 2%	$532,01 \pm 26,55$	$112,11 \pm 4,81$	78,95	$\leq 0,001$
Декасан	$581,11 \pm 21,32$	$140,32 \pm 6,32$	75,90	$\leq 0,001$
Декасан+ультратовуш	$803,04 \pm 17,85$	$132,65 \pm 3,55$	94,69	$\leq 0,01$
Физиологик эритма	$589,12 \pm 24,42$	$572,31 \pm 22,71$	2,88	$\leq 0,005$

Даволаш самарадорлигини клиник баҳолаш апикал периодонтитни даволашнинг турли босқичларида микробли юкламани факультатив-анаэроб бактериялар билан ўрганиш, периапикал тўқималар регенерацияси фаоллигини қондаги нейтрофил лейкоцитлар фаоллиги бўйича баҳолаш, шикастланишнинг периапикал ўчоғи рентгенологик кўрсаткичлари динамикаси ва клиник кўрсаткичлар асосида амалга оширилди.

Илдиз каналлари инфекциялари полимикроб ҳисобланади ва қатъий анаэроблар факультатив анаэроб организмлар ўзини ўраб турган маҳаллий муҳитнинг оксидаланиш-қайтарилиш потенциални камайтирганидан кейингина ўсиши мумкин. Муайян турларни аниқлашга ҳаракат қилинмади. Илдиз каналлар тирқиши ва дентиннинг микробли юкламасини баҳолаш 1 дан 5 гача бўлган балларда амалга оширилди. Балларнинг юқори миқдори жуда юқори бактериал юкламага мос келади.

Умуман олганда, апикал периодонтит билан оғриган беморларда аниқ ижобий динамика қайд этилди, шу билан бирга илдиз каналлар тизими таркибини биз томонимиздан таклиф этилган Декасан ва ультратовушни қўллашни ўз ичига олган комплекс усул ёрдамида ювиш самарадорлиги умумқабул қилинган гипохлоритдан кам эмас.


Маълумки, инфекцияланган тишларда бактериялар инструментал ишлов берилмаган канал девори дентинида яшаб қола олади. Инфекция юқтирган дентин терапиядан кейин апикал периодонтит хавфини оширади. Шунинг учун илдиз каналларни ювишнинг турли усулларидадан кейин дентин санацияси самарадорлигини қиёсий баҳолаш жуда долзарб ҳисобланади.

Манфий бактериал экишнинг умумий частотаси 43,37% қарши 35,57% ни ташкил этди; 1-даражали бактериал юклама – 32,14% қарши 29,38%; 2-даражали 24,49% қарши 26,86% ва 3-даражали – 0 қарши 8,25% ($\chi^2 = 18,113$; $P \leq 0,001$) бўлди.

Натрий гипохлорит илдиз каналларини ювишда энг кўп ишлатиладиган препарат бўлишига қарамасдан унинг канал деворларини етарли даражада намлаш ва биопленкани йўқ қилиши хавотирларни келтириб чиқаради. Тўлиқ санация учун вақт ва ирригант миқдорини ошириш керак бўлади. Шундай қилиб, бактериал ифлосланиш ва биопленка бузилишини бартараф этиш учун ювиш воситаси сифатида Декасан эритмаси ва кейин ультратовушли дезинфекция комбинациясидан фойдаланиш натрий гипохлорид эритмаси билан анъанавий ювишнинг муваффақиятли муқобили бўлиб ҳисобланади.

Периапикал тўқималар регенерацияси ҳолатини баҳолаш фагоцитар фаоллик даражаси бўйича локал микробга қарши ҳимояни ўрганиш асосида амалга оширилди ва фагоцитознинг қуйидаги кўрсаткичлари баҳоланди: Фагоцитар индекс (ФИ), фагоцитар миқдор (ФМ), фаол фагоцитлар сони (ФФ), хазм индекси (ХИ). (расм 3).

Умуман олганда, апикал периодонтит билан оғриган беморларда даволашдан кейин капилляр қонда нейтрофил лейкоцитлар фагоцитар фаоллигининг камайиши сифатида аниқланувчи репаратив жараёнлар фаоллигининг бир типли силжиши қайд этилди.




Расм 3. Фиброзли периодонтит билан оғриган беморларда даволашдан кейинги турли муддатларда нейтрофиллар фагоцитози фаоллиги ва унинг периапикал соҳадаги капилляр қонда тўлиқлиги

Шу билан бирга натрий гипохлоритдан фойдаланилганда (асосий гуруҳ) 7 кундан 14 кун – 3 ойгача бўлган муддатда бошланғич даражага нисбатан репаратив жараёнларнинг бостирилиши кузатилди. Декасан ва ультратовуш комплексидан фойдаланиш илдиз каналлар ирригациясидан кейин 7-суткадаёқ репарация жараёнлари рағбатлантирилишига олиб келди. Гипохлорит натрийдан фойдаланилганда периапикал тўқималарда репаратив жараёнлар фаоллиги Декасан ва ультратовуш комплексидан фойдаланишга нисбатан 3 ой муддат орқадан қолди.

Даволашдан кейин рентгенологик кўрсаткичлар динамикаси баҳоланганда таққослаш гуруҳида ҳам апикал периодонтитни комплекс даволашда Декасаннинг қўлланилиши жуда юқори статистик ишончли самарадорликни кўрсатди ($P \leq 0,05$). Бундан ташқари даволашдан кейин 3 ой ўтгач шикастланиш ўчоғи максимал диаметри асосий гуруҳдаги даволанишдан олдинги қийматга нисбатан (Декасан қўлланганидан кейин) стандарт терапиядан фойдаланилганда 26,09% қарши 12,60% га камайди; мос ҳолда шикастланиш майдони 44,49%–19,95%; ПУОД – 43,70% ва 20,00%; РАІ индекси эса 19,19%–7,58% га камайди; даволашдан кейин 6 ой ўтгач суяк тўқимасида яққол тикланиши кузатилди, мос ҳолдаги нисбатлар асосий гуруҳда шикастланиш ўчоғининг максимал диаметри 63,24% камайиши бўйича қайд этилди; таққослаш гуруҳида ушбу кўрсаткич – 42,91%; шикастланиш майдонининг камайиши – 80,62% ва 68,3%; ПУОД – 80,59%–68,17% ҳамда РАІ индекси 40,24%–28,20% бўлди; даволашнинг максимал самарадорлиги пломбалангандан кейин 12 ой ўтгач қайд этилди ва мос ҳолдаги кўрсаткичлар 81,82%–65,75%; 93,65%–79,65% %; 93,64%–79,55% ва 56,67%–42,89% ни ташкил этди.

Апикал периодонтитнинг сурункали шаклларини ESE кўрсатмаларига мувофиқ ПУОД=100% – «тўлиқ тузалиш», «тўлиқ бўлмаган тузалиш», «тузалишнинг кузатилмаслиги» ҳамда «муваффақиятсизлик» бўйича баҳолаш асосида даволашдан олинган натижаларни баҳолаш шуни кўрсатдики, 3 ойлик, 6 ойлик ва 1 йиллик кузатиш муддатларида асосий гуруҳдаги беморларнинг ПУОД кўрсаткичлари таққослаш гуруҳидаги мос ҳолдаги аҳамиятлардан ишончли юқори бўлди ($\chi^2=21,236$; $P\leq 0,001$; $\chi^2=11,697$; $P\leq 0,01$ и $\chi^2=17,790$; $P<0,001$) (расм 4).



Расм 4. Сурункали апикал периодонтит билан оғриган беморларда таққослаш гуруҳида рентгенологик кўрсаткичлар динамикаси

Европа эндодонтологлари жамияти (ESE – European Society of Endodontology, 1994) натижадорлик тоифаларига мувофиқ АПнинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларда АПни даволаш сифати баҳоланганда илдиз каналларининг Декасан ва ультратовуш билан санацияси умумқабул қилинган даволашга нисбатан юқори самарадорликка эгали тасдиқланди (жадвал 4).

1 ойдан кейин асосий гуруҳдаги беморларда таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан даволаш самарадорлиги ишончли ошганлиги қайд этилди ($p<0,001$). Асосий ва даволаш гуруҳларидаги фарқ статистик ишончли: $\chi^2=20,187$; $P\leq 0,001$; аҳамиятли фарқлар бутун кузатиш муддатлари давомида: 3 ойдан кейин ($\chi^2=21,120$; $P\leq 0,01$), 6 ойдан кейин ($\chi^2=18,368$ $P<0,01$) ва 12 ойдан кейин ($\chi^2=19,326$; $P\leq 0,01$) ҳам сақланиб қолди.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқотда сурункали апикал периодонтитни эндодонтик даволашнинг илдиз каналлар тизимини санация қилиш учун ультратовуш билан комбинациялашган янги Дексан антисептигидан фойдаланишдан иборат бўлган комплекс усули клиник апробациядан ўтказилди.

Жадвал 4

ESE мезонлари бўйича сурункали апикал периодонтит билан касалланган беморларни даволашни солиштирма баҳолаш самарадорлиги

Тадқиқот муддати	ESE European Society of Endodontology (1994) бўйича натижа мезонлари									
	Муваффақият		Тўлиқ бўлмаган тикланиш		Муваффақиятсизлик		Ўмонлашув		Жами	
	Асосий n=196	Назорат n=194	Асосий n=196	Назорат n=194	Асосий n=196	Назорат n=194	Асосий n=196	Назорат n=194	Асосий n=196	Назорат n=194
1 ойдан сўнг	121/ 61,73±3,47	83/ 42,78±3,55	55/ 28,1±3,21	66/ 34,0±3,40	20/ 40,2±2,16	39/ 20,1±2,87	-	6/ 3,09±1,22	196/ 100	194/ 100
$\chi^2 = 20,187 \quad P < 0,001$										
3 ойдан сўнг	129/ 65,82±3,38	89/ 45,88±3,58	51/ 26,0±3,13	64/ 32,9±3,38	16/ 8,16±1,94	37/ 19,1±2,82	-	4/ 2,06±1,00 5	196/ 100	194/ 100
$\chi^2 = 21,120 \quad P < 0,01$										
6 ойдан сўнг	139/ 70,92±3,24	98/ 50,52±3,59	45/ 22,9±3,0	71/ 36,6±3,45	12/ 6,12±1,70	10/ 16,7±4,81	0	2/ 3,33±2,31	196/ 100	194/ 100
$\chi^2 = 18,368 \quad P < 0,01$										
12 ойдан сўнг	151/ 77,04±3,21	110/ 56,70±3,56	36/ 18,4±2,76	61/ 31,4±3,33	9/ 4,59±1,50	22/11,3±2, 28	-	1/ 0,52±0,51	196/ 100	194/ 100
$\chi^2 = 19,326 \quad P < 0,01$										

Илова: суръатида абсолют катталиқ; махражида гуруҳдаги пломбалар сонининг % кўрсаткичи.

Ушбу клиник тадқиқотдан олинган маълумотлар Декасан ва ультратовуш комплексининг периодонтитнинг сурункали шакли билан оғриган беморларда илдиз каналларга дори-дармонли ишлов бериш учун антисептик эритма сифатида фойдаланилганда даволашнинг узок муддатларида (6–12 ой) юқори клиник самарадорликка эгалигини кўрсатади, бу стандарт терапия билан таққосланганда Декасандан фойдаланиб илдиз каналларга ишлов беришнинг юқори самарадорлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

1. In vitro тадқиқотларда *Enterococcus faecalis* биопленкаси микроорганизмларига қарши ультратовуш билан фаоллаштирилган Декасаннинг юқори антимикроб таъсирга эгаллиги асосланган: илдиз каналлар оралиғида микробли биопленка концентрациясининг камайиши стандарт санациядаги 88,7% га қарши 98,02% ($p < 0,05$); юза ва чуқур дентинда мос ҳолда 96,54% қарши 87,22% ҳамда 94,69% қарши 80,69% ни ташкил этди.
2. In vivo тадқиқотларда илдиз каналлар санацияси учун комбинацияланган методдан (Декасан, фаоллаштирилган ультратовуш) фойдаланишнинг гипохлорид натрий эритмаси билан таққослана олиши исботланди: илдиз каналлардан факультатив-анаэроб бактерияларни бартараф этиш самарадорлиги – 78,99%, гипохлориддан фойдаланилганда эса – 73,50% га тенг ($P \geq 0,05$); илдиз каналлари деворларининг дентинини санация қилиш самарадорлигининг мос ҳолдаги нисбати 80,50% ва 74,29% ни ташкил этди ($P \geq 0,05$).
3. Декасан ва ультратовуш комплексидан фойдаланиш илдиз каналлари ирригациясидан кейин 7-суткадан бошлаб тузалиш жараёнларини рағбатлантиришга олиб келади. Шу билан бирга гипохлорит натрийнинг қўлланиши бошланғич даражага нисбатан 7 кундан 3 ойгача бўлган муддатда тузалиш жараёнларининг бостирилиши билан боғлиқ.
4. Апикал периодонтитнинг комплекс терапиясига Декасан ва ультратовуш жамланмасининг қўшилиши суяк тўқимаси резорбция ўчоғининг жуда самарали тикланишига ($\chi^2=50,083$; $P \leq 0,01$); периапикал соҳа оғриқ кўзгатувчи тишларнинг оғир шикастланишлари частотасини 3,50 баробардан кўпроқ ҳамда ижобий динамикасиз деструкция ўчоқларини 3,50 баробардан кўпроқ камайтиришга олиб келади.
5. Апикал периодонтит билан оғриган беморларда илдиз каналлар ирригацияси учун антисептик эритма сифатида Декасан ва ультратовуш комплексидан фойдаланиш «муваффақиятли терапия» самарадорлигини 20,34% га оширади; «тўлиқ тузалмаслик», «муваффақиятсиз даволаш», «ҳолатнинг ёмонлашиши» частотасини мос ҳолда 12,77%; 6,75% ва 0,52% га камайтиради ($\chi^2=19,326$; $P \leq 0,01$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБДУЛХАКОВА НАРГИЗА ШУХРАТОВНА

**КЛИНИКО-ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ
АНТИСЕПТИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКИ ПРИ ЭНДОДОНТИЧЕСКОЙ
САНАЦИИ КОРНЕВЫХ КАНАЛОВ ЗУБОВ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1222

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet»(www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Бекжанова Ольга Есеновна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Орехова Людмила Юрьевна
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Гулямов Суръат Саидвалиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Первый Московский государственный
медицинский университет им.
И.М.Сеченова (Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес:100047, город Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru)

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирован за № _____) Адрес: 100047, город Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; e-mail; info@tsdi.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2022 года).

Н.К. Хайдаров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Л.Э. Хасанова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.А.Юлдашев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Апикальный периодонтит (АП) – это воспалительное поражение тканей периапикальной области, микробной этиологии, инициированное микробной инвазией в ответ на инфекцию пульпы и системы корневых каналов. АП – наиболее распространённое воспалительное поражение зубов. Частота апикального периодонтита «...в общем объёме хронических заболеваний периодонта колеблется от 58,2 до 87,9%...»³. В общей структуре стоматологической патологии апикальный периодонтит и его тяжёлые формы занимают 3-е место после кариеса и пульпита. При апикальном периодонтите регистрируется не только местное воспалительное разрушение тканей, но и инициированные этим воспалением и продуктами метаболизма бактерий системные иммунологические и субтоксические эффекты вызывающие, в свою очередь, разноплановые иммунологические и воспалительные реакции организма, способные инициировать и повышать тяжесть клинического течения многих заболеваний, таких как сердечно-сосудистые, метаболические и эндокринные расстройства, а также существенно снижать качество жизни и влиять на психологическую и социальную сферы.

В мире, проведенными исследованиями, установлено, что применение новых систем ирригации каналов зубов повышает эффективность противомикробной санации и обеспечивает высокий клинический результат и помогает в повседневной эндодонтической практике. При использовании новых технологий и современных антисептиков возникает множество задач которые требуют незамедлительного решения и от успешного выполнения которых будет зависеть, насколько полно произошла функциональная реабилитация пациента. В частности, совершенствование методов диагностики и лечения зубочелюстной системы разработка новых антисептических растворов, которые могут быть более эффективными, менее токсичными и не раздражать ткани ротовой полости, позволяющие работать с инфицированными поверхностями и достигать положительных результатов в любых клинических состояниях. В связи с этим особое внимание уделяется разработке научно обоснованных концепций совершенствования современных методов. Отсутствие тенденции к снижению распространённости апикального периодонтита делает проблему повышения эффективности его терапии одной из важнейших в стоматологии.

В нашей стране принимаются меры по совершенствованию системы здравоохранения, улучшению лечения патологических процессов, по развитию стоматологической помощи населению, снижению ряда заболеваний и их осложнений, оказанию высококвалифицированной медицинской помощи больным определили следующие задачи “...повышение

³ Березин К.А., Греков А.Х., Зарипова Э.М., Старцева Е.Ю. Статистические аспекты изучения распространенности хронического апикального периодонтита у взрослого населения // Современные проблемы науки и образования. – 2015. - № 2-1.

эффективности, качества и доступности медицинской помощи в нашей стране, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, эффективных моделей диспансеризации...”⁴. Эти задачи определяют приоритетные направления для проведения углубленных научных исследований, как поднятие на новый уровень современной медицинской помощи, созданию высокоэффективных современных методов и улучшение качества выполняемых работ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП №-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Закона Республики Узбекистан «Об инновационной деятельности», принятого Законодательной палатой 7 апреля 2020 года и одобренного Сенатом 19 июня 2020 года, а также выполнение задач, предусмотренных иными нормативными правовыми документами, относящимися к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

